Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 117 (5408).
25 МАЙ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Советининг органи

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўртоқ К. У. Черненконинг Америка—Совет савдо-иқтисодий кенгаши йиллик VIII йиғилиши қатнашчиларига йўллаган табриги эълон қилинган.

● 24 май куни Кремлда Совет — Корея музокаралари бошланди.

Музокараларнинг қатнашчилари Совет-Корея муносабатларининг ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикрлашиб, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг, маданий алоқаларнинг боришидан мамнуният изҳор этди. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1961 йил 6 июль Шартномасининг Совет-Корея алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш учун, Узоқ Шарқда тинчлик вазиятини сақлаб қолиш учун муҳим аҳамияти таъкидланди.

Халқаро масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

СОВЕТЛАР ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

ЎН САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўнинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ранси депутат В. О. Козимов очди.

Депутатлар халқ депутатлари шаҳар Советининг тўққизинчи ва ўнинчи сессиялари ўртасида бевақт вафот этган депутат Василий Тимофеевич Покутнев хотирасини ўринларидан туриб эсга олдилар.

Ўнинчи сессия ранси этиб 51-сайлов округидан депутат Ҳ. К. Камолов, сессия секретари этиб 144-сайлов округидан депутат Л. В. Япринцева сайланди.

Сессия кун тартибини тасдиқлади:

1. КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленумининг «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган хулосалар ва қоидаларни амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳар халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида.

2. КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида»ги қарорини амалга ошириш чоралари тўғрисида.

3. «СССРда халқ депутатлари статуси тўғрисида» СССР Қонуни талаблари асосида шаҳар Совети депутатларининг ўз депутатлик ваколатларини бажаришлари юзасидан ахборотлари.

4. Ташкилий масалалар.

Сессияда биринчи масала бўйича— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ранси, депутат В. О. Козимов, иккинчи масала бўйича — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ранснинг ўринбосари В. А. Алавутдинова доклад қилишди.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитетининг биринчи секретари, депутат А. И. Фозилбеков, Фрунзе район Совети ижроия комитети ранси, депутат Н. Шермуҳамедов, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженери, депутат В. Н. Журавлев, 153-мактаб директори, депутат А. Н. Шанина, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети биринчи секретари, депутат С. Т. Алиев, ҳунар-техника таълими бошқармаси бошлиғи, депутат С. Р. Ҳолиқов, 4-қурилиш трестининг 38-қурилиш бошқармаси бетончиси, депутат В. Д. Вакуло сўзга чиқдилар.

Сессияда ўз депутатлик ваколатларини, совет ва унинг органлари топшириқларини бажаришлари юзасидан 17-сайлов округидан депутат М. С. Левин ва 498-сайлов округидан депутат О. Л. Мирзараҳматова ахборот беришди.

Сессия ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида галитланган озиқ-овқат маҳсулотларининг келтириш ҳажмини вужудга келтириш масаласида ерларни мелиорациялашни ривожлантириш ҳамда суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг программасининг асосий йўналишларини муҳокама қилди ва маъқуллаб.

Бу программа КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг топшируғига мувофиқ илмий муассасаларнинг, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг кенг иштирокида СССР Ҳукумати, иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда идоралари томонидан ишлаб чиқилмоқда. Программа мақсади ҳосилдорликни барқарор ошириш, озиқ-овқат ва ем-хашак дони, сабзавот, соя, озуқабоп экинлар ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини барқарор етиштириш учун мамлакатнинг қурғоқчил зонасида суғориладиган ерларни мелиорациялашни ривожлантириш ҳамда суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг программасининг тадбирлар кенг комплексини кўзда тутади. Шимолий Кавказда, Украина жанубида, Молдавияда, Волга бўйида бир қанча йирик суғориш системаларини қуриш белгиланмоқда. Ўрта Осиё республикаларида, Қозоғистонда, Ғарбий Сибирда ва Заураледа, Закавказьеда, Россиянинг Ноқоратупроқ ўлкасида, Белоруссия ва Балтика бўйида сув хўжалиги қурилиши янада ривож топади.

Суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан юқори самара олишни таъминловчи тадбирларга, мелиорацияда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, табиатни муҳофаза қилиш ишларини ўтказишга, халқ хўжалик манфаатларини кўзлаб, сув ресурсларини қайта тақсимлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда зарур капитал маблағлар ва моддий-техника ресурсларини ажратиш, янги серунум мелиоратив техника ва ускуналар ишлаб чиқариш билан боғлиқ халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, министрлик ва идораларнинг имкониятларидан актив фойдаланиш мўлжалланмоқда.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилиши мелиорацияни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни, деҳқончиликда барқарорликни ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришини кўпайтириш, аҳолини таъминлашни яхшилаш учун унинг имкониятларидан самаралироқ фойдаланишни тақозо этади. Тўпланган тажриба, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш базаси ва барқарор мелираторлар коллективларининг малакаси мамлакатимиз агросаноат комплексига кирувчи ана шу муҳим тармоқни кўпроқ мураккаб ва кенг ривожлантиришнинг тобора кўламли вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетини Сиёсий бюроси ўртоқ Г. В. Романовнинг ЧКП Марказий Комитетининг таклифига биноан Чехословакияга қилган сафари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Умумгрsuperция социалистик ҳаракат I съездида қатнашган ўртоқ В. И. Долгих бошчилигидаги КПСС делегациясининг иши маъқулланди.

Социалистик мамлакатлар маданият министрларининг Будапештда бўлиб ўтган XII кенгаши якунлари тўғрисида ўртоқ П. Н. Демичевнинг ва СССР Олий Совети делегациясининг Бразилияга қилган сафари ҳақида ўртоқ М. В. Зимянининг ахборотлари кўриб чиқилди.

Сиёсий бюро мажлисида ички сиёсат ва халқаро характердаги баъзи бошқа масалалар муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилашга алоҳида катта эътибор қаратди. Бу партиянинг Советлар фаолиятида қонунчилик, бошқарув ва назоратнинг ленинча бирлиги принципини тўла амалга ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг ёрқин далилидир. Бу бизга, депутатларга кўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, Советлар мамлакати бугунги кунда эга бўлган улкан потенциалдан тўлароқ фойдаланишда катта масъулият юклайди, — деди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов. — Советларнинг хўжалик ва маданий қурилишга таъсирини ошириш, комплекс иқтисодий ва социал ривожланишини таъминлаш, меҳнаткашлар эҳтиёжларини анча тўлароқ қондириш, сифат кўрсаткичларини интернационализм, Ватанни, социализмнинг буюк ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёр туриш руҳида тарбиялаш бўйича ишлари юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV Пленумида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг докладида принципиал гапириб ўтилди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг 15 май куни бўлган Пленумида шаҳар хўжалигига раҳбарликнинг услуб ва методларини янада такомиллаштириш юзасидан маҳаллий Советлар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Бугунги бош вазифа Советлар, уларнинг ижроия комитетлари, Бош бошқармалари, бошқармалари, бўлимлари фаолиятини шаҳарни комплекс ривожлантиришнинг амалий вазифаларини самарали ҳал қилишга йўналтириш, эътиборни биринчи даражали халқ хўжалиги муаммоларига, Тошкент аҳолисига хизмат кўрсатилишини ҳар томонлама янада яхшилашга қаратиш, меҳнат коллективларининг куч-ғайратини 1984 йил, умуман ўн биринчи беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга йўналтиришдан иборат.

Тошкентликлар шу беш йиллик бошидан бошлаб яхши суръатда ишлашяпти. Саноат меҳнат коллективлари муддатидан илгари, 27 апрелда маҳсулотнинг кўпгина энг муҳим турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини бажардилар. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига таққослганда олти процент бўлишига эришилди ва шу туфайли саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг 88 процентдан зиёд ўсишига эришилди. Саноат корхоналари товар маҳсулот таннархи планга қўшимча пасайтирилишига эришиш ва бунинг натижасида 16 миллион сўмликдан ортиқ тежамкорликка эришиш мажбуриятини олишди. Биринчи кварталда 6,3 миллион сўм миқдорида иқтисод қилинишига эришилди, харажатлар эса 0,8 процент пасайди.

Бироқ, докладчи таъкидлаб ўтдики, шаҳар саноати ишида ҳали анчагина нуқсонлар бор. Ҳар тўртинчи корхона шартнома мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот реализация қилиш планини таъминламаяпти. 15 та корхона маҳсулот таннархи ошиб кетишига йўл қўйди, 39 таси эса таннархни планга қўшимча камайтириш топшириғини бажармади.

Маҳаллий Советлар, ижроия комитетлар ишни шундай йўлга қўйишлари керакки, барча ташкилий ишлар тубдан яхшиланиши, барча резерв ва имкониятлар максимал даражада ҳаракатга келтирилиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленумида уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши планлари бажарилиши учун Советларнинг масъулиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу йил уй-жой, болалар боғчалари ва бошқа объектларни фойдаланишга топшириш мароми таъминланяпти. Айни пайтда, Пленум ҳужжатларида кўрсатиб ўтилганидек, капитал қурилишдаги аҳвол секинлик билан яхшиланяпти. Уй-жой, мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар, АТС бинолари, савдо, маиший хизмат ва бошқаларнинг ёрдамчи объектларини ишга топшириш бўйича беш йиллик топшириқни бажаришда қолоқликка йўл қўйиляпти. «Главташкентстрой»нинг қурилиш трестлари томонидан алоқа, соғлиқни сақлаш объектлари қурилишида, уй-жой кооперативлари маблағи ҳисобига турар жой бинолари қурилишида қолоқликка йўл қўйилди. Шунончи, 153, 8, 3 ва бошқа трестларда шундай бўлди. Шаҳар Совети депутати Ю. Н. Винтовкин раҳбарлик қилаётган 2-уйсозлик комбинати турар жой массивлари комплекс қурилишини суруникасига барбод қиляпти.

Шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлаш борасида кўп иш қилишлари лозим. Улар қишга тайёргарлик бўйича тадбирлар бажарилишининг боришини кундалик назорат остига олишлари, бажарилган ишлар муддатлари ва сифати бузилишига йўл қўйган хўжалик раҳбарларига нисбатан қаттиқ турмоқлари лозим.

Докладчи айтдики, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш масалалари шаҳар маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия комитетларининг доимий диққат-эътиборида турибди. Бугунги кунда шаҳар пассажир транспорти хўжаликларининг фаолияти аҳоли эҳтиёжларини қондирмаяпти. Бу ҳаққоний эътирозларга сабаб бўляпти. Шу боисдан шаҳар транспорти ишини анча яхшилашга қаратилган комплекс тадбирлар аниқлаб олинди.

Сессияда кўрсатиб ўтилдики, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти ҳамон паст ва беш йиллик план-топшириқларини бажаришда қолоқликка йўл қўйилаяпти.

Сессия Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. А. Алавутдинованинг «КПСС Марказий Комитети апрель (1984 йил) Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида»ги қарорини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги докладини тингланди. У ўқувчиларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ишини янада яхшилаш бўйича шаҳар халқ маорифи органлари олдида турган вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда халқ депутатлари шаҳар Совети мандат комиссияси раиси И. Г. Чиженоконинг шу йилнинг 15 апрель куни 112, 316 ва 448-сайлов округларида шаҳар Советига сайловлар якунлари тўғрисидаги доклади тингланди. Сайланган депутатлар— 112-сайлов округи бўйича Э. А. Абдуллаев, 316-сайлов округи бўйича Е. В. Озолин, 448-сайлов округи бўйича В. А. Алавутдинованинг ваколатларини тан олиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди.

Сессия илгари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар инструктори бўлиб ишлаган, 448-сайлов округидан депутат В. А. Алавутдиновани Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети доимий комиссиялари составига қисман ўзгартишлар киритилди.

Шаҳар Советининг социал таъминот бўйича доимий комиссияси раиси этиб 343-сайлов округидан депутат С. А. Хўжаева сайланди.

Шаҳар Советининг социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўйича доимий комиссия раиси этиб 210-сайлов округидан депутат Ф. Маришев сайланди.

Шаҳар Советининг фан ва маданият бўйича доимий комиссияси раиси этиб, 105-сайлов округидан депутат Л. И. Тихонова сайланди.

Сессия «Таштеплокоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори этиб Л. А. Костинни тасдиқлади

Шу билан сессия ўз ишини якунлади.

КИНОФЕСТИВАЛЬ БАЙРОҚЛАРИ ҲИЛПИРАМОҚДА

ТИНЧЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ИДЕАЛЛАРИНИ ҚАРОР ТОПТИРИБ

Йигирма етти ёшли Пак Хе Син урушни кўрган эмас. У урушни экранда ўз тенгдоши ролини ўйнаган «Тонгги юлдуз» фильмида кўрди. Уруш унинг ёшлигига шафқатсиз зомин бўлди. КХДР кинематографчилари яратган картина 24 май куни Тошкентда — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VIII халқаро кинофестивалининг биринчи иш кунида кўрсатилди.

Фестивалнинг интернационал экранида бадиий жиҳатдан ёрқин, кўп тиллардаги фильмлар намойиш этилмоқда. Биринчи кунниинг тиғиз кино программаси томошабинларни қарийб йигирмата бадиий, ҳужжатли, қисқа метражли фильмлар билан таништирди. Тунис, Туркия, Гана, ҲХДР ва бошқа мамлакатларнинг кинематографчилари санъат саройида ижодий ҳисобот бердилар.

Тошкент киноанжуманларининг қатнашчилари Фаластин Озодлик ташкилоти кинематографчиларининг аввалги фестивалларида экранида қўйилган лентаиарини унутганлари йўқ. «Бешинчи уруш» лентаси шулар жумласидан бўлиб, уни суратга олиш вақтида операторлар ҳалок бўлишган. Улар тинчлик ва озодлик душманларини фош этган ленталарининг ҳар бир кадрини ўзларининг жанговар ўртоқларига васият қилиб қолдирдилар. Уларнинг фильмларида тинчлик рамзи бўлган зайтун шохи ва кино пленка ўраб олган милтиқдан иборат қатъий эмблема тушириляган. Тинчлик, халқ озодлиги учун кураш, кино санъати бир-биридан ажралмасдир. Тошкентдаги VIII кинокўрикка тақдим этилган «Ҳаёт илдизлари» янги ҳужжатли лентаси Фаластин халқининг порлоқ келажак учун кураши ҳақида, унинг жонажон диёрда яшашдек адолатли талаби ҳақида ҳикоя қилади.

Экранда Фаластин халқининг миллий қаҳрамони Муҳаммад Иброҳим ал-Шоирнинг овози янграйди. У Фаластин озодлик ташкилотининг Совет Иттифоқидаги биринчи элчиси бўлган эди. Биз, дейди у, фарзандларимиз учун, бутун дунё болаларининг бахт-саодати учун курашмоқдамиз. Мен озодлик йўлидаги курашимизнинг ғалабасига ишонаман, чунки буюк дўстимиз — Совет Иттифоқи биз билан биргадир.

Фестиваль иши маромга кирмоқда: унинг доирасида республика Кино уйида жойлашган кино бозори очилди. Унда 70 дан кўпроқ мамлакат — Тошкент анжуманининг шиори, унинг руҳи — бирлашиш ва тинчликсеварлик руҳи яқин ҳамда азиз бўлган мамлакатларнинг намояндалари йиғилган. (ЎзТАГ).

VIII ФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ

БУГУН

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро Тошкент кинофестивалида намойиш қилинаётган фильмлар бўйича совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси бўлди.

Кино байрами қатнашчилари Африка озодлиги кунига бағишлаб Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакилларининг темирйўлчилар Маданият саройида ўтказиладиган йиғилишида иштирок этадилар.

ЭРТАГА

фестивалнинг бош штаби — «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ўтказиладиган матбуот конференциясида совет ва чет эл журналистлари учун ҳитоб мамлакатларнинг кино делегацияларн билан таништирилади. Фестивалнинг бош экрани Санъат саройида Монголия, Судан ва Ироқ кинематографчиларн яратган картиналар расмий намойиш этилади. Кечқурун фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари махсус поездда Самарқандга йўл оладилар.

● СЎЗ — ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Эстер АДАГАЛА,
Кения ахборот, радио ва телевидение министрлиги бўлим бошлиғи



— Биз Тошкент кинофестивалига республикамиз ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли лентани олиб келдик. Бу фильм республика мустақиллиги 20 йиллиги шарафига тайёрланган бўлиб, унда ўлкамизда юз берган тараққиёт ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда кинематография учун кадрлар тайёрлаш бўйича мактаб ишлаб турибди. Ҳозирча студиямиз йўқ, лекин 16 миллиметрли плёнкаларни қайта ишлаш бўйича техника ва лабораторияларимиз бор.

Тошкент Халқаро киноанжуманида имкони борича кўпроқ шу жумладан совет фильмларини кўришга ҳаракат қиламан. Бу ердаги кино бозорида Кенияда намойиш этиш учун бир неча картиналарни сотиб олиш ниятимиз бор.

Бу фестивалда дўстлик ҳамда ўзаро тушунча вазияти кино анжумани иши тўғрисида кўпгина ва қизиқарли фикрларни билиш имконини беради. Сизнинг мафтункор шаҳрингизда бўлаётган дўстлик ва тинчлик фестивали ўзининг кенг мазмунли обрўси билан менда улкан таассурот қолдирмоқда.

ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА РЕПОРТАЖ

Йигирма йилдан кейин учрашсак

Ўнг бир ўқув йили арафасига етди. Баъзилар учун бу узоқ кутилган ёзги каникул, дам ва экскурсиялар, сайёр ишларининг дегандир, бошқалар учун эса мактабни тугатиш имтиҳонларитопширишдир.

БУГУН

Шаҳардаги барча 239 умумтаълим мактабларида сўнгги қўнғироқлар чалинди. Бу мактабларда ўқитувчилар, ёшлар бу йил мактабни тугаллаётганлари билан, яъни ўз ҳаётларининг янги йўлини танлаш арафасида турганлари билан хайрлашишди. Бугун — 15 мингдан ортиқ ўнинчи синф битирувчи ва 27 мингга яқин саккизинчи синфни битирувчи ўқитувчи ва қизилгитлар ва қизилардир. Бу мактабни шонли Ленинский Комсомолининг 60 йиллигини нишонладиган ва КПСС Марказий Комитетининг (1984 йил) Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясини «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида» қабул қилган йилда битиришмоқда. Бу мактаб мамлакатимизнинг маориф системасидаги ҳар томонлама такомиллаштириш г а, муносиб ишчи ўринбосарларни тайёрлаш, ишчи касбларини танлашга қаратилган кенг миқёсли тадбирларни ўз ичига олади.

Сўнгги қўнғироқ байрамида Киров районидаги 70-мактабда 11-техника билим юртида кинооператорлик касбини ўрганишга жазм этган Р. Назармуҳамедов ва Д. Оқилов, 57-ҳунар-техника билим юртига кириб, холодильниклар ремонт қилувчи уста бўлиб етишишга аҳд қилган С. Кучеров, 124-билим юртига кираётган Н. Ганзиналарнинг номлари қайд этиб ўтилди. Жами бўлиб эса ўнинчи синфдан 28 битирувчи ва саккизинчи синфни битирган 25 нафар ёшлар ишчи касбларини эгаллашади. Улар орасида аълочи ўқувчилардан, 63-билим юртида ганч ўймакорлиги касбини эгаллашга аҳд қилган Шаҳзод Рустамов, 214, 57 ва бошқа билим юртларига ўқишга киришга жазм қилган Бахтиёр Одилбеков, Шароф Одилов, Шуҳрат Қаландаров, Ҳамид Шоҳназаровлар бор.

70-мактабда ўқувчиларнинг касб танлашига катта эътибор бериляпти. Бу борада ўқитувчилардан Марфуа Аҳмаджонова, Рубен Антонович Парсечов, Мавжуда Маҳмудова, Роза Самойловна Векслер ва бошқалар актив иш олиб боришяпти.

...Бугун, эрта тонгда мактаб олдидаги майдонча байрамона безатилди. Қизил алвонлар, гуллар, қизил гастуклар бу тантанага алоҳида жозиба бахш этиб турибди. Катта ҳаёт йўлига қадам қўяётган ёшларга қарата уларнинг биринчи ўқитувчиси Н. И. Губарькова, оталиқ ташкилотларининг вакиллари, ота-оналар мурожаат қилишади.

— Ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома олиш, ким бўлиш, кўнглингизга ёқадиган касб танлаш масаласи кўндаланг турган яна бир муҳим воқеага бор-йўғи бир ойча вақт қолди,— деди 70-мактаб директори Мухаббат Тўрабоевна Назарова.— Ҳеч ким маҳорат эгаси бўлиб туғилмайди, албатта, яхши мутахассис бўлиш учун қайси соҳада бўлмасин, кўп ўрганиш, кўп нарсани билиш керак. Қобилият, ўқув осмондан тушмайди. Фақат меҳнат, чидам, кундалик қатъият билан олиб борилган ишгина муваффақият келтиради, буни бир умр ёддан чиқармаслик керак. Сизлар мактабимизда кўпгина ишларни анъаналарга — мактаб театри ташкил этишда, спорт мусобақалари ўтказишда, пионер ва комсомол ишларида қатнашдингиз. Сизларнинг келгусида ўқийдиган ёки ишлайдиган жойларингизда ҳам мамлакатимизнинг муносиб гражданлари бўлишингиз учун ўша анъаналарни давом эттиришингизни истаймиз.

Шонли анъанага кўра 9-синф ўқувчилари ўнинчи синф ўқувчиларига ҳазил тонфа табрикнома берадилар. У «Йигирма йилдан сўнг учрашсак...» деб аталади. Мактаб валь. си садолари остида эса 7-синф ўқувчилари ўз вожатийлари Галя Гордан, Сурайё Холмуҳамедова ва бошқалар раҳбарлигида ўтказган сбор ва баҳслари, пионер ишлари ҳақидаги композицияни намойиш қиладилар. Майдон узра сўнгги қўнғироқ танланади ва ҳаяжонли янграйди: энди дарслар, узоқ кутилган танаффуслар бўлмайди. Битириб чиқувчиларнинг чеҳралари бундан бироз маъюслашади, кўп ўтмай улар истиқболига биринчи синф ўқувчилари югуриб келишганда яна чеҳралари ёришиб кетади, гуллар топширишар экан, уларга имтиҳонларни муваффақиятли топширишлари учун энг яхши истаклар тилашади!

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Тошкент шаҳри районлари партия комитетларининг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қонда ва хулосаларни бажариш борасидаги вазифалар муҳокама этилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари У. У. Умаров, К. П. Дудин, С. И. Иванова, В. О. Козимов, В. Н. Колесников, Т. Н. Набиев, Ф. Н. Назруллаев, С. М. Юсупов, Х. Х. Тошхўжаев, И. Г. Чиженок қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Пойтахт китоб магазинларн пештахталарида «Еш гвардия» нашриёти чиқарган «Ажойиб кишилар ҳаётидан» туркумидаги Л. Юсуповнинг «Собир Раҳимов» китобн пайдо бўлди. Ҳужжатли материалларга бой бу асар ўзбек халқининг буюк фарзанди, таниқли совет ҳарбий қўмондони Собир Раҳимовнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да 25 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутланиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15—20, кундузи 28—33 даража иссиқ бўлади.

ФУТБОЛ

АСК (Ростов-Дон)—«ПАХТАКОР»—2:2

Тошкентлик футболчилар навбатдаги тур учрашувини Ростов-Дон шаҳрида маҳаллий армия спорт клуби командаси спортчилари билан ўтказишди. Учрашув дуранг — 2:2 ҳисобида якунланди.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» (Минск)—«Арарат»—1:0, «Зенит»—«Нефтчи»—4:1, «Жальгирис»—«Динамо» (Тбилиси)—1:1, «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Москва)—2:1, «Черноморец»—«Спартак»—1:0, МАСК—«Металлист»—1:3, «Қайрат»—«Днепр»—1:2.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИҚ СОВЕТИ.

ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИҚ СОВЕТИНИНГ РАИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ ХОСИЯТ ЁҚУБОВНА ЁҚУБЖОНОВА

№ 5 (18)

• *Ветеранлар ҳақида ҳикоялар*

Камтарга камол

Бугунги фаровон турмуш, тинч меҳнат, фарзандларимиз бахтиёрлиги ўзидан ўзи осмондан оёғини узатиб тушмаган, албатта. Бундай кунларга эришиш йўлида не-не ғалаёнли курашлар бўлмаган, не-не ажойиб инсонлар бу йўлда жон фидо қилмаганлар, дейсиз!

Бахтимиз учун курашган кишилар орамизда, ён-веримизда, сафимизда кўплаб учраб туришади. Лекин бирон тасодиф туфайли ҳамсуҳбат бўлиб қолмасак ёхуд кимдир у билан таништириб қўймагунга қадар кўча-куйда ўша нуфузли одам ёнидан бепарво ўтиб кетишимиз мумкин.

Ҳикоямиз қаҳрамони Аҳад Ваҳоббердиевич Тошпўлатов ҳам худди ана шундай ғоят камтарин, гар дарахтнинг меваси кўп бўлса бошқалар, деганларни янглиғ ўзини вазмин тутишига ҳар қанча таклид қилсангиз арзигули инсондир.

Эсингизда бўлса, бундан чамаси уч йил бурун Москвада улуғ Ленин партиясининг ярим асрлик стажига эга кекса аъзоларга «КПССда 50 йил» деган кўкрак нишонлари берилди. Сўнгра бундай тантаналар Тошкентда ҳам бўлиб ўтди. Бир кун қарасам, ана шу нишон Аҳаджон отанинг ҳам кўксида порлаб турибди! Кўзларимга ишонгим келмайди. «Наҳотки, Аҳаджон ота ҳам эллик йилдан буён партия сафида юрибдилар» дейман. Уша кундан эътиборан ветеранга бўлган ҳурмат-иззатим меҳр-муҳаббатга айланди.

Аҳаджон ота 1904 йили Қўқонда камбағал деҳқон оиласида дунёга келганлар. 1921 йилдан 1928 йилгача Ленин комсомоли сафида бўлганлар. 1928 йил декабрь ойидан буён мана, эллик олти йилдирки, давримизнинг ақл-идроки, шон-шавкати ва виждони бўлмиш Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг содиқ аъзоси!

Дунёда энг адолатли Совет Конституциясининг зафарли байроғи остида эркаклар билан баббаравар нурафшон келажак сари шахдам одим ташлаётган ҳур аёллар, шодон қизларга нигоҳи тушса Аҳаджон отанинг баҳорн-дилн очиладн. Лекин бахтиёр ўзбек хотин-қизларининг бу каби эркинлигни курашсиз, ўзўзича қўлга киритилган йўқ албатта. Ўзбегим қизининг кулча юзини, шахло кўзини соф ҳаводан, чароғон қуёшдан тўсиб турган чиммат ҳозирги кунда да содир бўлган. Тўхтахон деган аёл бирничилар қаторн паранжини гулханга улоқтирди. Сўнгра Тўхтахон эри ва сингласи билан қишлоқ активлари сафига қўшилдн. Қутурган ёт унсурлар Тўхтахоннинг эри ва сингласини пичоқлаб, ўзини эса масжид пештоқига осиб ўлдирншдн.

Бундай фожиалар Қўқон ва унинг атрофидаги хотин-қизлар сабр чопаётган отлар дупури эшитилди. Мажлис ососйишталигнни таъминлаш мақсадида Марғилондан келган отлиқ милиционерлар ҳушёр тортиб, отларига зудлик билан миниб жиноятчилар кетидан қувиб кетишдн. Сал ўтмай Усмон ўғри деб ном таратган ашаддий босмачини ўз йигитлари билан қўлга олишди. Охунжоновнинг жароҳати оғир экан. Эртасигаёқ вафот этди.

Бундай жирканч ҳаракатларн билан ярамас унсурлар авом халқни қўрқита олдими! Асло! Бундай ҳаракатларга қарамай деҳқонлар ёппасига колхозга кира бошлашдн. Шомирза шўро жамоасига эса Охунжонов қишлоқ Совети деган ном берилди.

Биринчи беш йиллик мобайнида Аҳаджон ота Тошкент ва Сурхондарё областларида қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш, қўлоқларни синф сифатида тугатиш, айни пайтда тетапоя қилиб қад ростлаётган хўжаликларни ташкилий хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш ишларида коммунистларга хос жонбозлик кўрсатди. Уни бир неча бор халқ депутатлари район, шаҳар ҳамда область Советларига депутат этиб сайлашди. Коммунистлар эса унга юксак ишонч билдириб, область партия комитети аъзоси, ревизия комиссияси аъзоси этиб сайлашди. У 1921 йилдан 1966 йилгача сурункасига партия, совет органларида, молиябанк ташкилотларида бенуқсон ва ҳалол меҳнат қилиб, ҳузур-ҳаловатли пенсияга чиқди.

Аҳад Ваҳоббердиевич умр йўлдоши Ибохон ая билан қўша қаришиб, икки ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказишди. Фарзандларининг ҳаммаси сидқидилдан элга хизмат қилишаяпти.

Партия ва меҳнат ветерани, тиниб-тинчимас Аҳаджон Тошпўлатов ҳамон сафда —пойтахтдаги Киров районига қарашли ташкилотлардан бирида сидқидилдан ишлаб, ёшларга мураббийлик қилиб келмоқда.

Ҳамид ТОЖИБОЕВ.

• *Яхши анъаналар*

«Жасурлик байроғини баланд кўтариб»



Тошкентда бир ҳафта давомида «Жасурлик байроғини баланд кўтариб» шиори остида ўтказилган ватанпарварлик мавзуидаги совет китоблари декадаси Улуғ Ватан уруши ветеранларини шарафлаш билан якунланди. Декада охирида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашув кечаси ўтказилди. Тадбирни Куйбишев райони китобсеварлар жамияти ва 11-китоб магазини коллективи уюштирди. Кечани Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи музейининг бошлиғи катта лейтенант Н. В. Барсуков олиб борди. У туркистонлик жангчиларнинг уруш йилларида ва тинч қурилиш йилларида кўрсатган жасоратлари ҳақида сўзлаб берди.

Кечага келган меҳмонлар орасида Смоленскда фашистларнинг додини берган, Белоруссияни, Болтиқ бўйидаги шаҳарларни озод қилишда қатнашган истеъфодаги полковник Пётр Прокофьевич Чирва ҳам бор эди. Шунингдек Белоруссия ўрмонларида ҳаракат қилган собиқ К. Е. Ворошилов номидаги партизан отрядининг алоқачиси, Минск яширин партия ташкилотининг аъзоси Вера Петровна Еганова бор. Александра Сергеевна Логушева ҳам ўтирибди. Пионер ва комсомоллар бу аёлга ҳавас ва завқ билан тикилишмоқда. Ҳақиқатдан ҳам бу жасур москвалик қизнинг жасоратлари таҳсинга сазовор. Унинг дугоналари ҳам алоқачи бўлиб хизмат қилишган. Унинг таржимаи ҳолидаги воқеаларнинг ҳаммаси қизиқарли. Полкдоши подполковник Алексей Михайлович Логушев билан турмуш қурган. У ҳам ҳозир залда рафиқаси билан ёнмаён ўтирибди. Ғалаба куни — 9 Майда дивизия командири Некрасов уларнинг биргаликда турмуш қуришига оқ йўл тилаган эди.

Кеча қатнашчилари Москва ҳимоячиси, истеъфодаги гвардиячи капитан Николай Николаевич Волковнинг сўзларини ҳам қизиқиш билан тинглашди. У сапёрлар батальонига командирлик қилган. Беш ярим минг километр масофани жанг билан босиб ўтган, шунча масофани душманларнинг миналаридан тозалаган. У 1944 йилнинг 26 мартида Руминия территориясига биринчилар қаторида етиб борган.

Разведкачи Антонина Александровна Старова ғалабани Кенигсберг шаҳрида кутиб олган. У ёш туркистонлик жангчиларга мурожаат қилиб шундай деди:

— Ватанни асранглар, унинг қудратини оширинглар! Ватанга бўлган муҳаббат ғалабага эришишда энг зарур қуролдир.

Ленинград мудофаачи, Белоруссия, Польшадаги жанглар қатнашчиси Анна Николаевна Савельева, жанговар сапёр Владимир Алексеевич Кобзевнинг ҳам фронт таржимаи ҳоллари жуда бой. Улар жанговар дўстларининг қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб беришди.

Кейин катта концерт бўлди.

Н. МАТВЕЕВА.

* * *

СУРАТДА: кеча қатнашчилари. А. Палянц фотоси.



Пенсионер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Шермуҳаммад Бойматов «Тез ёрдам»нинг 7-подстанциясида ишлайди. Узоқ медицина практикаси давомида у ниҳоятда бой тажриба орттирган. Коммунист ўзининг ана шу бой тажрибаларини, билимларини ёш ҳамкасблари билан сидқидилдан ўртоқлашади. Бу тажрибалар кундузи ҳам, кечаси ҳам беморларга шошилинч ёрдам кўрсатиш учун навбатчилик қилаётган ёшларга айниқса асқотади.

СУРАТДА: Ш. Бойматов.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Бир хат хусусида*

Сохта жавоб беришди

Улуғ Ватан уруши иккинчи группа инвалиди В. Куликов редакцияга хат йўллаб, узоқ вақтдан бери Сергели районидаги 37-поликлиникадан Семашко номидаги илмий-текшириш институтида даволаниш учун ордер ололмаётгани ҳақида шикоят қилган эди. Поликлиникада уруш ветеранларига врач, медицина ҳамширалари хизмат кўрсатадиган махсус хона ҳам йўқ экан. «Сергели—2» микрорайонига бириктирилган участка врачи тез-тез ўзгартириб турилади ва шу сабабли медицина хизмати кўнгилдагидек эмас. Бепул дори олиш учун рецепт ёздириш ғоят қийин. Нима учундир кўпинча бланкалар бўлмайди.

Б. Куликовнинг шикоятига Сергели район соғлиқни сақлаш бўлими мудири Ҳ. ЖАЛОЛОВ жавоб берди:

— 37-поликлиникада Улуғ Ватан уруши инвалидларини диспансерлик кузатувига олиш, медицина ва дори-дармонлар билан ёрдам кўрсатиш учун масъул кишилар — врач-хирург А. Калашников ва ҳамшира Моценко тайинландилар. Хона йўқлиги сабабли ҳозирча уруш ветеранлари учун махсус кабинет ташкил этиш имконияти йўқ. Шуни ҳам айтиш керакки, 850 кишини қабул қилишга мўлжалланган янги замонавий поликлиника қурилаяпти, унда барча зарур кабинетлар бўлади.

37-поликлиника да имтиёзли рецепт бланкалари етарли миқдорда бўлиб, мурожаат этган кишига ёзиб берилади. В. Куликовнинг касаллиги билан Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институтида даволаниш фойдали эмас.

РЕДАКЦИЯД А Н: Сергели райони соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг жавобидан кўриниб турибдики, раҳбар хатни таҳлил этишдан кўра, сохта жавоб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганга ўхшайди. Улуғ Ватан уруши инвалиди В. Куликовнинг 26 мартида Руминия территориясига биринчилар қаторида етиб борган.

Раҳбар ўртоқ Емельяненко сизнинг алоқачиларингизга жуда кўпмуштоқ бўлиб юрибди.

Яна нима бало бўлди? Ҳаво айниндими дейман-да. Кўнгилга хуш келадиган гаплар ҳам бор, дейсизми? Қизил Арбат кўчасидан И. Бородавко ва «Октябрь 40 йиллиги» кўчасида истиқомат қилувчи А. Кругловлар телефонлари 91-АТС-да назорат остига олинган дейсизми? Фақат алоқачиларга айтиб қўйинг, яхшироқ назорат қилишсин. Уруш ветеранларини анча ранжитиб қўйишяпти, эътиборсизлик курсин-да. Яна нима гаплар бор? Ўртоқ Петровга бир гап етказиб қўяйликми? Бўш номерлар йўқлиги учун техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш анча узланиб қолди? Унинг квартирасига телефон қўйиладими, ахир? Абонент бўлими телефон ўрнатиш учун пул тўлашга таклиф этадими? Ўнда жуда узоқ кутиб қолишмаса керак-а? Ҳа, яхши. Сиз яқин келгусида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан — Войтинцев кўчасида истиқомат қилувчи В. Зглинская ва Н. Айзатуллинларнинг телефон ташвишларини ҳал қилиб беришга катта ваъда бергансиз. Бошқа ваъдаларни ҳам бир эслаб қўйинг, илтимос. Абонентларимиз зора симсиз телеграф орқали эмас, телефондан фойдаланишса.

Суҳбатни **В. ГАЛИНА** ёзиб олди.

● «ВЕТЕРАН»—ШАҲАР ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

Симсиз телеграфдаги суҳбат

—Тошкент шаҳар телефон станциясини чақирамиз. Алло, алло! Ўртоқ Емельяненкомисиз?

— Сизни жуда ёмон эшитяпман. Телефонда гаплашсак ҳам бўлар экан. Аммо ўзингиз биласизки, ҳаммада ҳам бундай имконият йўқ.

—Бир минутга, Виктор Семенович. Сиз билан гаплашишмоқчи. Улаймиз. Ўртоқлар, илтимос, марҳамат қилиб фамилия ва адресларингизни айтсангиз. Суҳбат мавҳум бўлмасин.

— Алло, алло, меҳнат ветерани гапиряпти. Республикада хизмат кўрсатган инженер Косоухова, Хабаровск кўчаси, 23-уйдан. Менинг квартирамда январь ойидан буён 664272 номерли телефон ишламаяпти. 08 га бир неча марта буюртма бердим. Дистанция инженери Исмоиловга мурожаат қилдим. Нима бало бўлди-ю автомат-телефон станцияси улолмаяпти.

Ҳа-ҳа, ҳар қалай сиз йўқдан бор қилолмайсиз-у. Нега шунчалик ишонч билан гапиряпти дейсизми, чунки сизга икки марта Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидан ёзишган эди. Ёдингизда кўтарилмагандир. Раҳбарлар розилик берган эди. Яна бир эслаб кўринг, иложи бўлса, ёрдам беринг. Олдиндан ташаккур изҳор этамиз. Сизнинг вақтингизни кўп олиб ўтирмайман, чунки сиз билан яна уруш ветеранлари суҳбатлашишмоқда.

— Ҳа, биз бу ерда бир неча собиқ жангчилар тўпланиб ўтирибмиз. С. Лямичев, Н. Ломакин, Б. Бромберг ва Улуғ Ватан уруши инвалидлари А. Подусенко ва М. Бакашкинлар Чилонзордаги Г—9А кварталида яшаймиз. Турли уйлар — 1, 2 ва 14-уйларда истиқомат қиламиз. Лекин дўстлашиб қолдик. Бунга олтн йилдан бери телефон туширишларини кутиб имтиёзли навбатда турганимиз сабаб бўлди, албатта. Албатта сиздек иш билан банд одамга бу гаплар ортиқча. Мана, гап нимада: Ўтган йили 5 декабрь куни телефонлар туширш учун пул тўлаб қўйган эдик. Лекин ҳанузгача ҳеч ким телефон туширишга келмади. Балки яна олти йил кутармиз. Уялмасдан тўғрисини айтаверинг. Биз унча-мунчага рухимиз тушмайдиган кишиларміз. Кейин дангалчиликка нима етсин. Эшитмаяпман дейсизми? Худди телефон линияснинг ўзи-я. Бир эшитиб, бир эшитмайсан, киши. Бу ерда яна бир ўртоқ сиз билан гаплашмоқчи ҳали. Унинг ҳам ташвиши бизникидан шекилли. Пулини тўлаганман, дейди. Шу кўйи жим бўлиб кетишди, дейди. Акмал Икромов районидаги 25-кварталда 10-уйда истиқомат қилувчи, Қизил Юлдуз ордени кавалери М. Киричен-ко сизнинг алоқачиларингизга жуда кўп муштоқ бўлиб юрибди.

Яна нима бало бўлди? Ҳаво айниндими дейман-да. Кўнгилга хуш келадиган гаплар ҳам бор, дейсизми? Қизил Арбат кўчасидан И. Бородавко ва «Октябрь 40 йиллиги» кўчасида истиқомат қилувчи А. Кругловлар телефонлари 91-АТС-да назорат остига олинган дейсизми? Фақат алоқачиларга айтиб қўйинг, яхшироқ назорат қилишсин. Уруш ветеранларини анча ранжитиб қўйишяпти, эътиборсизлик курсин-да. Яна нима гаплар бор? Ўртоқ Петровга бир гап етказиб қўяйликми? Бўш номерлар йўқлиги учун техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш анча узланиб қолди? Унинг квартирасига телефон қўйиладими, ахир? Абонент бўлими телефон ўрнатиш учун пул тўлашга таклиф этадими? Ўнда жуда узоқ кутиб қолишмаса керак-а? Ҳа, яхши. Сиз яқин келгусида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан — Войтинцев кўчасида истиқомат қилувчи В. Зглинская ва Н. Айзатуллинларнинг телефон ташвишларини ҳал қилиб беришга катта ваъда бергансиз. Бошқа ваъдаларни ҳам бир эслаб қўйинг, илтимос. Абонентларимиз зора симсиз телеграф орқали эмас, телефондан фойдаланишса.

Суҳбатни **В. ГАЛИНА** ёзиб олди.

Заводга бағишланган умр

Меҳнат ветеранлари... «Таштекстильмаш» заводида бу кишиларни ҳамма яхши билади.

...Эрта тонг. Заводга кираверишда ўрта бўйли бир аёл кўринди. Кўлгина кишилар у билан мулойим сўрашишди. У Татьяна Семёновна Казакова — темирчилик-пресслаш цехининг участка мастеридир. Эсимда, бундан уч йил муқаддам у билан танишган эдим. У жуда самимий аёл. Цехда ҳамма ҳурмат қиларди.

Унинг иш стажи 48 йилдан ошди. У ўзининг ҳаёт йўли ҳақида сўзлаганда қандайдир ёшариб кетгандай бўлади. Кўзларида қувонч порлайди...

Уруш йиллари она-Ватанимизни жанглларда қўлига қурол олиб ҳимоя қилганлар учунгина эмас, фронт орқасидагилар учун ҳам оғир бўлди. Татьяна Семёновна ва унинг турмуш ўртоғи термистлар цехида ишлашарди. Ўша йиллар ҳақиқатан ҳам уларнинг чиниқиш йиллари бўлди.

— У пайтлар жуда оғир бўлган эди,— деб эслайди Татьяна Семёновна.— Заводдан анча узоқда яшардик. Аммо ҳамиша заводга ўз вақтида етиб келардик. Иш суткасига 12—14 соатга борарди. Чунки фронтга бизнинг маҳсулотларимиз жуда зарур эди.

Бир неча йил сурункасига цех коммунистлари Татьяна Семёновнани партия ташкилоти секретарининг ўринбосари қилиб сайлашди. Чунки у принципиал ва қатъиятли, ишга жиддий ёндошадиган, ҳалол ва меҳнатсевар аёл эди.

Цех касаба союз ташкилотида ҳам у ўзига тошпирилган ишда фидокорлик кўрсатди. Коммунист Казакова ишга астойдил ёндошарди. 1955 йилда унга ишлаб чиқариш участкасига раҳбарлик қилишни топширишди. Бу ишга ҳам зўр ғайрат билан киришди. Кўп йилларданбуён пенсияда бўлишига қарамай, ҳамон бу коллективга бошчилик қилиб келяпти.

Темирчилик-пресслаш цехида унинг участкаси доимо пешқадамлар сафида. Ҳозир бу ерга ёшлар кўплаб келишяпти. Татьяна Казакова — коллективнинг жонкуяри. У ахил ва жипслашган коллективга бош-қош. Бу ерда дўстлик ва ўзаро ёрдам вазияти ҳукм сурмоқда. Темирчилик-пресслаш цехида кимдан сўраманг, Казакова тўғрисида жуда илиқ сўзлар айтади. Чунки унинг тақдири ва ҳаёти завод коллективининг тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг қўлларига ҳайрат билан боқаман. Чунки бу толмас қўллар қанчадан-қанча шонли ишлар қилмаган дейсиз. Бу қўллар тайёрлаган барча маҳсулотларни санаб саноғига ҳам етиб бўлмайди.

В. УШАКОВ.

Ташвишли сигнал

«САЛОР»ДАГИ САНСАЛОРЛИК

Қурилиш материаллари магазинларида бурчакли темир арматуралари намуналари қўйилган. Лекин уларни фақат «Салор» савдо базасидан харид этиш мумкин. Кунлардан бир куни ана шундай материаллардан харид этиш учун ўша жойга бордим. У ердагилар катта темир-терсак уюмини кўрсатиб, «ўзинг танлаб ол» тарзида ишора қилишди. Катта қийинчилик билан битта арматурани зўрға суғуриб олдим. Менга зарур бўлган узунроқ бурчакли темирни олишга кучим етмади. Базада ёрдамчи ишчилар борлигини билганим учун қўмаклашишларини сўрадим. Бироқ, ана шу буюмни сотаётган ходим юкчиларни ёллаб ишлатишни маслаҳат беради. Ёзни шу ердаги ёрдамчи ишчиларга ўз ёнимдан нақд пул тўлашимни айтди.

Мен йигитга Улуғ Ватан уруши инвалиди эканлигимни ва яқинда мураккаб операциядан чиққанимни айтдим. Лекин у ёрдам беришни, гапимга қулоқ солишни истамади. Директорни базадан топа олмадим. Топганимда ҳам ёрдам беришига ишонмадим. У ўз ходимлари эшик олдида туриб олиб, харидорлар бирон қўпол муомалада бўлаётганини наҳотки кўрмаган бўлса? Демак, бу ернинг одати шунақа. «Салор» савдо базасига бориб, ёмон кайфият билан қайтдим, холос.

М. СЕЗИН.

ҲОДИСА

ПЕНСИОНЕРНИНГ ЖАСОРАТИ

Оқшом тушган, иш вақти тугашига чамаси ярим соат қолган эди. Телевизорлар тузатиладиган ателье устаси Ғайрат Ёқубов ўз иши билан банд эди. Шу пайт хонага 20 — 22 ёшлардаги барваста йигитча кириб, қўлидаги радиоприёмникни устага узатди ва деди: «Шуни қараб бер!»

Уста бу ерда бунақа радиоприёмник тузатилмаслигини айтди. Ҳалиги йигитча: «Ия, меникини тузатиб бермайсанларми» дедида, жаҳл билан чиқиб кетди. Бироздан кейин яна қайтиб кирди: «Ҳали, меникини тузатиб бермайсанларми?» деди яна ва устага пичоқ урди. Устанинг шерниги ёрдамга келган эди, уни ҳам жароҳатлади.

Бу ердаги шовқинни қўшни «Гулноз» модалар ательеси қоровули Кўчқор ота Ёқубов эшитиб, ёрдамга шошилди. Безори қоровулни кўриб қочмоқчи бўлди. Лекин қоровул чолга отилган пичоқ деворга урилиб, ерга тушди. Кўчқор ота чап бериб қолган эди. У безорининг кетидан қувиб, юз метрча нарида унга етиб олди. Пенсионер чол безори йигитни деворга сиқиб, одамлар келгунча ушлаб турди. Милиция ходимлари қоровул отахонининг жасоратига қойил қолиб ташаккур билдиришди.

Безори ким эди? У икки йилдан бери бекор юриб, фойдали иш қилмаган, безорилик қилиб кишиларнинг асабини бузиб юрган 21 ёшли Маҳмуд Ҳожимуҳамедов деган йигитча экан. У ўз қилмишига яраша жазо олади.

А. АҲМЕДОВ.



ЧЕТ ЭЛЛАРДА

АҚШда Рейган маъмуриятининг зўр бериб қуролланишга қаратилган сиёсатига қарши тинчлик тарафдорларининг оммавий чиқишлари давом этяпти. Мамлакатнинг турли штатларида оддий америкаликлар урушга қарши ҳаракатга ўз ҳиссаларини қўшишга интилиб, ҳарбий объектлар ва заводлар олдида норозиликлар уюштиришяпти.

СУРАТДА: полициячилар кекса америкалинни қамоққа олишяпти. У бир группа тинчлик тарафдорлари билан биргаликда Огайо штатидаги «Женерал электрик» кампаниясининг ҳарбий заводи олдида ўтказилган норозиликда қатнашган эди.

АП—ТАСС телефотоси.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

25 МАЙ, 1984 й.

РЕДАКЦИЯДАН: Улуғ Ватан уруши инвалидининг хатида ҳамма нарса очиқ-ойдин ёзилган. Агар «Салор» савдо базасида ҳақиқий ғамхўрлик кўрсатилганида эди, буюмлар сортига, узунлигига, қалинлигига қараб, ўша «четда» пул «ишлаб олаётган» ёрдамчи ишчилар томонидан таҳлаб қўйилган бўлур эди. Кишилар ўзларига керакли темир буюмни бир неча тонналик металл остидан суғуришга мажбур бўлишмасди. Тартибли қўйилганида ҳаридорга бошқаларнинг ёрдами керак бўлмас эди.

Бироқ, иш шундай ташкил этилганки, харидордан бир нима ундиришга шароит яратилган. Агар етарли даражада кураш олиб борилмаса, бундай ярамас даромад олиш усули ҳеч қачон йўқолмайди. Пул кетидан қувган кишилар ҳатто ўз иззатини ва бошқаларга ҳурматини йўқотиб қўйишади, қўполлик қилишади, ёрдам сўраган кишини кўрмаганга олишади. Ўз хизмат бурчларини бажаришмайди.

«Салор»даги сансалорлик, баъзиларнинг ўз шахсий манфаатига хизмат қилмасмикан! Узбекистон ССР Госснаби қошидаги ёқилғи, ёғоч ва қурилиш материалларни чакана савдоси бўйича Бош бошқарма раҳбарларининг бу ҳақдаги фикри қандай экан!

УЧ ҚИТЪА КИНО УСТАЛАРИНИНГ КЎРИГИ







ДЎСТЛАР ЯНА УЧРАШДИЛАР

ФОТОРЕПОРТАЖ

Ёшарган, янада чирой очган Тошкент кўчалари ва майдонларида турли тиллардаги суҳбатларни эшитиш мумкин: фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари шаҳар билан танишишмоқда. Улар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, метрополитенни, музей ва театрларни, тарихий-меъморчилик ёдгорликлари ва пойтахтнинг янги қурилишларини кўздан кечирмоқдалар.

Кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларининг ҳар бир куни ижодий учрашувлар, тажриба алмашиш, фильмлар кўригида иштирок этиш, томошабинлар билан учрашувларга тўла. Шунга қарамай улар шаҳримизни зиёрат қилиш, унинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиришга вақт топишмоқда.

Кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари кўҳна Самарқандга ҳам сафар қилишади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг меҳмони бўладилар, пахтакорларнинг меҳнати ва турмуши билан танишадилар. Ҳозир эса улар шарқ машъали — Тошкент билан танишмоқдалар. Фотомухбиримиз Т. Каримов бир қанча ана шундай эпизодларни суратга туширди.

СУРАТДА: Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйилмоқда: Марказий В. И. Ленин музейининг филиалида; меҳмонлар доҳий мони билан аталувчи майдон билан танишишмоқда; Ленин кўчасида.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БУГУН—АФРИКА ОЗОДЛИГИ КУНИ

РАВШАН, ОЛИЖАНОБ ПОЗИЦИЯ

Бундан чорак асрча муқаддам Африка сиёсий харитаси Англия, Франция, Португалия ва Бельгия ер-мулклари борлигини билдирувчи жирканч доғлар билан тўлиб-тошган эди. Энди бу қитъада 50 та мустақил давлат барпо этилди ва битта ҳам соф мустамлака қолмади. Қўвончли факт шундан иборатки, қора танлилар қитъасидаги 450 миллиондан ортиқ киши қуларча қарамликдан озод бўлди. БМТда мустамлака мамлакатларга мустақиллик бериш тўғрисидаги тарихий декларация айни СССРнинг ташаббуси билан қабул қилинганлиги алоҳида мамнуният бахш этади. Шу декларация африкалик халқларга озодлик йўлини очди.

Совет Иттифоқи инсонни инсон ҳар қандай эзишини, бир миллат иккинчисини асоратга солишини рад этиб, халқаро майдонда Африка жанубидаги апартеид режимини тугатиш учун курашувчи кучларнинг ишончли иттифоқчиси сифатида ҳаракат қилмоқда. Бу режим ҳамон ЖАРдаги қора танлилар кўпчилигининг энг оддий инсоний ҳуқуқлар ва эркинликлардан маҳрум этмоқда, Намибияни қонунга хилоф равишда ўз ҳукмронлиги остида ушлаб келмоқда, сурбетларча агрессия ҳаракатларини тўхтовсиз давом эттирмоқда, қўшни «фронт ёқаси» давлатларига қарши ғаламисликлар тўрини тўқиб, шу тариқа халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳлика солмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз Ангола, Мозамбик ва Эфиопия билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузганлиги СССРнинг Африка мамлакатларига нисбатан ўтказиб келаётган доимий ва изчил дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорлик сиёсатининг яққол исботидир. Социализм тарихнинг ривожланишига муайян таъсир ўтказаётган ҳозирги шароитда Африка мамлакатларининг СССР билан дўстлик муносабатлари кенгайиб, кучайиб бораётганлиги уларда янги турмушни қарор топтириш жараёнига хайрли таъсир қилмоқда, уларнинг энг илғор ижтимоий ривожланиш йўлини — социализмни кўзлаш йўлини танлаб олишига кўмаклашмоқда. Бу йўлнинг танлаб олиниши — капитализмнинг қитъа мамлакатлари дуч келаётган жуда ўткир социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишни таъминлашга қодир эмаслиги хусусида қонуниятли равишда билдирилган фикр деса бўлади.

Қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатиш жаҳон уруши хавфини камайтиришга кўмаклашибгина қолмай, шу билан бирга катта ҳарбий аслаҳахоналарга эга бўлган давлатларга анчагина маблағни тежаш ва унинг бир қисмидан (СССР неча бор таклиф қилганидек) озодликка эришган мамлакатларнинг эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш имконини берган бўлур эди. Аммо ҳозир бунинг акси содир бўлмоқда: озодликка чиққан мамлакатлар қурол-яроғ харид қилиш орқали «ажалфурушлар»нинг катта-катта даромадларини таъминлаб турибдилар. Мана шундай «ажалфурушлар» орасида жаҳондаги қурол-яроғ экспортининг 44 проценти АҚШнинг улушига, 11 проценти Франциянинг улушига тўғри келади ва ҳоказо.

Мамлакатимизн и н г қитъадаги ёш давлатлар билан иқтисодий алоқаларидаги ўзига хос хусусият шундан иборатки, биз уларга мустақил ривожланиш асоси бўлмиш давлат секторининг корхоналарини барпо этишда кўмаклашаяпмиз. Қарийб 500 та объект, шу жумладан 200 тадан кўпроқ саноат корхонаси— бизнинг Африкага берган ёрдамимиз жозибадор якунидир. Бу корхоналар орасида Эфиопия оғир индустриясининг тўнғичи— Ассабдаги нефтни қайта ишлаш заводи, Нигериянинг Ажаокут шаҳридаги азим металлургия заводи, совет геологлари Конгода қидириб топган қўрғошин-рух рудалари негизида барпо этилган М.' фуатидаги кон-бойитиш корхонаси, Замбиядаги дизель электр станцияси, Ливиядаги газ қувури бор. Кейинги йилларда совет мутахассислари иш жойининг ўзида 150 мингдан кўпроқ малакали ишчи тайёрлаб бердилар. Бизнинг кўмагимиз билан 130 та ўқув юрти барпо этилмоқда.

Африка халқлари учун озиқ-овқат муаммосининг ўткирлигини эътиборга олиб, СССР қитъада 100 тага яқин қишлоқ хўжалик объекти қурилишида қатнашмоқда, шунингдек, денгизда балиқ овлашни ривожлантиришда бир қанча мамлакатлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда.

Буржуа матбуот органларининг Совет Иттифоқи хусусида тарқатаётган туҳмат гапларн эса уларга империализм энг реакцион, авантюрист доираларининг ва аввало Рейган маъмуриятининг ҳақиқий мақсадларидан Африка жамоатчилигининг диққат-эътиборини чалғитиш учун керак бўлиб қолган. Айни шу маъмурият Африка қитъасига ҳарбий йўл билан суқулиб кириш режаларини тузмоқда, бу режаларда «тез ҳаракат қилувчи кучлар» мустамлакачилик замонларидаги «экспедициялар» ролини ўйнаса, замонавий ҳарбий базалар агрессия бошлашнинг мустаҳкам кўрғони ролини ўйнаши лозим. Айни шу Вашингтон қора танлилар қитъасига машъум Сентком кўланкасини ташлашни кўзламоқда. Бу— дунёнинг жуда катта зонаси, шу жумладан Африка устидан АҚШ ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадини кўзловчи янги ҳарбий ташкилотдир. Айни Қўшма Штатлар арабларнинг нефтига, Чаднинг уранига, Намибиянинг миси ва олмосига кўз олайтирмоқда.

Аммо тарих ўзининг катта йўлидан ривожланиб бормоқда. Африка халқларининг озодлик ва тараққиёт йўлида қўяётган шаҳдам қадамини тўхтатиб бўлмайди. Уларнинг миллион-миллион дўстлари бор. Совет кишилари, улуғ социалистик давлат ҳам шу дўстлар сафидан жой олган. СССР ривожланаётган мамлакатларга нисбатан равшан ва олижаноб позицияда турибди.

С. КУЛИК, (ТАСС).

ЭКРАНДА ХИРОСИМА ФАРЁДИ

ФЕСТИВАЛЬ ЭКРАНИ

Хиросима ва Нагасаки... Бу икки шаҳар номини билмаган, бу икки шаҳар фожиаси тарихидан бехабар, унга ўхшаган кишилар дунёда камдан-кам учраса керак. Иккинчи жаҳон уруши якунида Америка империализмининг, атом бомбаларининг илк қурбонлари бўлган бу шаҳарлар бугун дунёни, инсониятни ядро уруши хавфидан огоҳлантириб турибди.

Ядро урушн хавфи кучайиб бораётган бугунги кунда бу икки шаҳар фожиасига яна мурожаат қилиш, дунёни атом бомбалари даҳшатидан огоҳ қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Таниқли кинорежиссёр Мансур Моцаки томонидан экранлаштирилган «Ялангоёқ Ган» номли ўрта метражли фильмда ёш вазифа реалистик ҳал этилди. Фильм бош қаҳрамони вояга етмаган ҳиросималик бола номи билан аталган.

Япон кинематографчилари воқеанни реалистик талқин этишда шароит ва имкониятни ҳисобга олиб мультипликация воситаларига мурожаат қилишган. Мультипликация атом бомбаси даҳшатини теран тасвирлашда ғоят қўл келади.

«Ялангоёқ Ган» бадиий мультипликацион фильмидаги миллион-миллион» қашшоқ оилалардан бирининг ҳаётн тасвирланади. Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йиллари... Япон деҳқони, икки норасида ўғилчаси билан туну кун меҳнат қилади. Аммо онла аъзоларининг қорни нонга тўймайди.. Ҳар икки гўдакнинг оғзидан «нон» сўзи тушмайди. Уйда ҳомиладор рангпар она оч. Дунёга келадиган янги фарзандининг эсон-омон туғилиши учун ҳам она овқатланиши зарур. Табиб ҳомиладор онанинг қони камайиб кетганлигини, чақалоқнинг соғлом дунёга келиши учун онага карп балиғи зарурлигини айтади. Ота бош чангаллаб қолди. Балиқни қаердан топиш мумкин! Киччкинтой ака-укаларини ҳам бу масала ўйлантириб қўяди. Улар нима бўлса ҳам карп балиғини топиш учун қармоқ олиб, йўлга чиқишади. Ҳаёт ҳар иккала гўдакни катталардек ўйлашга, фикрлашга мажбур қилган. Улар ҳали ёш бўлишса ҳам турмуш қийинчликларини енгишга киришиб кетадилар. Бой самурайнинг ҳовузидан не кўргиликлар эвазига карп балиғи топилиб, уйга олиб келинади. Балиқ пиширилиб ҳомиладор она олдига қўйиладн.

Томошабин кўз ўнгидан япон онласининг ночорлик, очлик кунлари бир-бир ўтади. Аммо ҳаёт давом этаверади. Ёш оила ҳам кўра даҳшатли бало—атом бомбаси фожиаси етиб келади.

6 август 1945 йил. Касалманд онага карп балиғи келтириб берганидан хурсанд ўйнаб юрган Ган даҳшатли портлаш зарбидан ўнгирликка учиб кетади. Атрофни кўзни кўр қилувчи ёлқин қоплайди. Бу Америка империализми яратган атом бомбасининг Хиросима устида портлаши эди.

Фильмда атом бомбаси портлашининг даҳшатли оқибати ва ундан кейинги таъсири жуда катта маҳорат билан тасвирланган. Вайрон бўлган шаҳар, кул бўлаётган жонзодлар жуда катта аниқлик билан чизиб берилган. Атом бомбаси портлашидан келиб чиққан Хиросима фожиаси ҳаққоний, ҳеч бир бўрттирилмасдан кўрсатилганлиги ҳар бир томошабинни уруш ва тинчлик ҳақида ўйлашга давъат этади.

Атом бомбаси келтирган вайронгарчиликда Ганнинг отаси, опаси ва акаси азоб ичра ҳалок бўлишади. Ёшгина Ган ва ҳомиладор она ёлғиз қолишади. Энди Ган онла бошлиғи. Вайрон бўлган, одамларнинг оҳ-воҳига, фарёдига тўлган шаҳарда у онасининг кўзи ёришига ёрдам беради. Ган укалик бўлади. Аммо онанинг кўкрагида сут йўқ. Очлик ва уруш даҳшатлари онани касалманд қилиб қўйган. Ган вайрона багридан чиқиб қолган етим болани ўз жигари ўрнида қабул қилиб, у билан озгина гуручни баҳам кўради. Сўнгра сут топиш умидида самурайлардан бирининг хизматига ёлланишади. Ҳар иккала бола самурайнинг атом бомбаси портлаши натижасида нур касалига учраган, танаси қуртлаб бораётган укасига қарашади. Эвазига озгина пул ишлаб, сут сотиб олиб она ҳузурига шошилишади. Ёш Ган сутли консерва қутичаларини она олдига қўйганда, афсуски, кечиккан эди. Она қўлидаги ўлик гўдаги билан уни қарши олади.

Япон киночилари мультипликацион фильмга айрим тарихий ҳужжатли кадрлардан асосий ҳолатларни айнан киритишиб, реализмни ғоят кучайтиришгани эътиборга лойиқдир. Улар барча ёшдаги томошабинлар тушуниб оладиган талқин йўлидан боришган.

Айтиш лозимки, тўла метражли ушбу мультипликацион фильм кино санъатининг ажойиб ютуқларидан биридир.

Япон кинематографчиларининг Тошкент кинофестивали руҳига ҳамоҳанг «Ялангоёқ Ган» фильми шак-шубҳасиз, бутун дунё халқларини ядро уруши хавфидан яна бир бор огоҳ этиб, жаҳонда тинчлик тантана қилишига хизмат қилади.

А. АМИНОВ.

ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

БЕЛГРАД. Микропроцессор техника ва саноат роботларини ишлаб чиқариш, чиқитсиз технологияни ишлаб чиқиш, агросаноат комплекси соҳасида тажрибани ўртоқлашиш — шу беш йилликда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан Югославия ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан биридир. Ана шу ҳамкорлик ҳажмини келгусида кенгайтириш режалаштирилмоқда. Бу ҳамкорлик ЮСФР экономикасини барқарор ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

ЮСФРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши органлари ишида қатнашишни тўғридан-тўғри Югославия ҳукумати билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ўртасида тузилган битимга бу йил 20 йил тўлади. Ўша пайтдан буён ЮСФРнинг

ЭНГ ЯХШИ БУЮМЛАР БОЛАЛАРГА!

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ»
ЧАКАНА—САВДО ФИРМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДА
31 МАЙГАЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН
САВДО—КЎРГАЗМАСИДА





янги, чидамли либослар,
енгил, қулай пойафзаллар,
чиройли қўғирчоқ ва
ўйинчоқлар
сотувга қўйилган





Кенгайтирилган, комплексли савдо-кўргазмасида

«Болалар дунёси» Бош магазини—(Октябрь бозори)да пойафзаллар, трикотаж, тикувчилик буюмлари;

«Малиш», «Юний техник», «Пионер», «Комсомол»—ёшлар комплексида —Большевик — 6«а» уйда ўйинчоқлар, болалар техника ижодиёти моллари савдога кенг қўйилган.

Иш соатлари: Бош магазин соат 9.00 дан 19.00 гача ишлайди. «Юний техник», «Пионер», «Малиш», «Комсомол»— ёшлар комплекси 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус 14.00 дан 15.00 гача. Душанба —дам олиш куни.

СИЗЛАРНИ САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ЧОРЛАЙМИЗ!

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-43).

Узбекистон енгил ва маҳаллий саноат министрликларининг 40 га яқин саноат корхонаси ўзининг болаларга атаб чиқарилаётган маҳсулотларини савдо кўргазмасига кенг кўламда тавсия этган. Улар орасида шундай корхоналар бор: Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд ва Андижон трикотаж фабрикалари, Қўқон пайпоқ-йигирув комбинати, Наманган, Гошкент, Хоразм тикув ишлаб чиқариш бирлашмалари, Чирчиқ «Ғунча» фабрикаси, Олмалиқ, Қўқон, Гулистон тикув фабрикалари, Тошкентдаги Охунбобоев номли бош кийимлари фабрикаси, Чирчиқ, Фарғона, Самарқанд, Қўқон, Янгийўл пойафзал фабрикалари, Тошкент, Хоразм тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент парфюмерия ва косметика фабрикаси, Тошкент чарм-галантерея ва спорт моллари ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташигрушка» фабрикаси, «Средазэлектроаппарат», Тошкент агрегат, пластмасса буюмлари, ошхона ва бошқа мебеллар заводлари, Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўпгина корхоналар.

Ёзги каникул ва отпускалар палласи бошланаётганлигини инобатга олиб бизнинг фарзандларимиз учун пионер лагерларда ва туристик сафарларда, спорт, дам олиш учун керакли бўладиган барча моллар савдога чиқарилди.

Мактаб ёшидаги болалар учун савдо кўргазмасидан қуйидаги кийим-кечакларни сотиб олиш мумкин: спорт костюмлари, майкалар, футболкалар, шортлар, шимлар, кўйлаклар, спорт пойафзаллари.

Кўпгина ота-оналар ўз отпускаларини кичик фарзандлари билан биргаликда ўтказишади. Бу ҳолда мурғак бола учун муносиб келадиган кийимлар ҳақида ўйлаш билан бирга, албатта болаларнинг муносиб ҳамроҳи бўладиган ўйинчоқлар ҳақида ҳам бош қотириш керак. Дам бериб шириладиган конток, плотик, чамбарак юк багажида жуда ҳам озгина ўринни эгаллайди, боланинг дам олиши эса завқли бўлади, сувга тушганда ўзини янада дадил ҳис этади.

Айрим болалар ёз чоғида шаҳарда қолишади. Улар балки бирорта буюмларни тузатиш, созлаш, қуриш, бунёд этиш, конструкциялаш ишлари билан банд бўлишади. Техника ижодиёти билан банд бўладиган болалар учун «Ёш техник» магазинига марҳамат қилишингизни сўраймиз. Унда «қурилиш материаллари»нинг бир олам намунаси савдога қўйилган. Улар фанерлар, ёғоч-пайраха ва ёғоч-қипиқли плита, сунъий чарм, алюминли заклепка, стандарт хом-ашёлар ва бошқалардан иборат.





«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ТУРИСТИК БАЗАЛАРДА ДАМ ОЛИШГА ЧОРЛАЙМИЗ!

Уфа—«Агидель» туристик базаси. 12—29 июнь, 21 июль—14 июль кунлари.
Путевка баҳоси— 225 сўм.
«Цей» туристик базаси — «Кахтисар» туристик базаси (Шимолий Кавказда), **11 июнь—3 июль кунлари.**
Путевка баҳоси —270 сўм.
«Базалети» туристик базаси (Тбилисида). **11—25 июнь кунлари.**
Путевка баҳоси — 210 сўм.
Москва (2 кун) — **Суздаль** (5 кун) —**Москва** (5 кун). **—28 июнь кунлари.** Туристлар «Россиянинг олтин халқа» шаҳарларини зиёрат қиладилар.
Путёвка баҳоси — 340 сўм.
Дмитров—«Торбеево» кўлн» туристик базаси. 11—25 июнь, 21 июнь— 5 июль кунлари.
Путевка баҳоси —265 сўм.

БОЛАЛИ ОТА-ОНАЛАР УЧУН МАРШРУТ —ҚАЛТ «ЗУЛЬ» МЕҲМОНХОНАСИ. 1— 20 ИЮНЬ КУНЛАРИ. Путёвка баҳоси катталар учун 305 ва 295 сўм, болалар учун сўм.

Путевка баҳосига самолётда бориб келиш, овқатланиш, яшаш, экскурсия хизмати ҳақлари киритилган.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар аллеяси уй. Телефонлар: 39-13-50, 39-43-73.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/V да **Оққуш кўли**, 26/V да **Петр Биринчи**, 27/V да **Гўзал Василиса** (12.00), **Кармен** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/V да **Отелло** (премьера), 26/V да **Қиёмат қарз**, 27/V да **Юлдузли тунлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —25/V да **Тўйдан олдин томоша**, 26/V да **Тошболта ошиқ**, 27/V да **Ватан ишқи** (16.00, 19.30).

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —**«Сувда цирк» Москва цирки артистларининг гастролари** (25/V да 19.30 да; 26/V да 15, 18.30, 27/V да 18.30 да).

кино

25, 26, 27 МАЙ— **БАДИЙ ФИЛЬМЛАР**
«САЛАМАНДРА»— **30 йиллиги** (жуфт сеанс телефон 33-44-52). **Ғ**«**СССР 25 йиллиги номли** атларда, телефон **Ҳамза номли** (жуфт сеанс телефон 91-10-51).
«АВИАЦИЯ ҲАЛҚ ХАЗИНАСИ ТОМОША**лик** (жуфт сеанслар 58-36-06).

Чилонзор районидаги болалар боғчасининг ган

ДУМАЛОҚ ПЕЧАТ
БЕКОР ҚИЛИНА

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!
27 МАЙ СОАТ 8.00 ДА
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
С. М. КИРОВ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
ОВЧИ ИТЛАРНИНГ
РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ
КИРИШ БЕПУЛ

Овчи итларнинг эгалари итнинг келиб чиқиши ҳақида гувоҳнома ва дала дипломларини, қутириш ва ўлат касалликларига қарши эмлашлар кўрсатилган ветеринария паспорти, итнинг соғлиғи тўғрисида ветеринария даволаш муассаси томонидан газма очилишидан 3 кун олдин берилган справкани олиб лишлари лозим.

«УЗБЕКОХОТОРИБОЛОВСТВО».

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГАЛАР ЎТКАЗИЛАДИ



ПРОГРАММАДА:

АНЪАНАВИЙ ВА НОМЛИ СОВРИНЛАР УЧУН МУ БАҚАЛАР БОР.

ОТЧОПАРДА ЎЙИН АТТРАКЦИОНЛАРИ ИШЛАБ РИБДИ.

Пойгада Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР колхоз ва от заводларининг энг яхши тулпорлари иштирок

ОТ-СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИ (тотализатор) ИШЛАЙДИ.

Совуқ ичимликлар билан савдо қилувчи буфет томошалар хизматида.

«БЕГА» ресторани ишлайди.

Отчопарда йил бўйи (душанбадан ташқари) чавандозлар учун от ва уч от қўшилган аравача прокатга берилади.

ОТЧОПАР КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРИНИНГ БАРЛАРИ БИЛАН ЧАВАНДОЗЛИК УЧУН ОТЛАРНИ КАТГА БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.

Аҳолидан тўй тантаналари учун уч от қўшилган аравачаларига буюртмалар қабул қилинмоқда.

КИРИШ БЕПУЛ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси; 103, 122, 130, 132, 178-автобусларнинг «Ипподром» бекати).

ТВ

ЖУМА

25 МАЙ

● МТ I

18.05 «БАҲОР БАЙРАМИ». Тошкентдан олиб кўрсатилади.
18.30 «Е. Евтушенко шеърлари»
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.00 «Духовой оркестр чалади».
20.10 ««Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фильмнинг 2-серияси.
21.30 «Время».
22.05 СССРда II Халқаро музика фестивалининг якунловчи концерти. Москва Давлат консерваториясининг Катта залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.25) — «Дунё воқеалари».

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик олтин даврим». Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти. 2-кўрсатув.
19.10 «Ўзбекистон чинниси». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Мулоҳазалар». Кинорежиссёр М. Қаюмов ҳақида ҳужжатли фильм.
20.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон артистлари ижросида Шарқ халқларининг қўшиқлари ва рақслари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Инсон ва замин». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун программа.
23.20 Янгиликлар

● УзТВ II

18.30 «Экономика тежамли бўлиши керак». Ёқилғи-энергетика ресурслари ва иссиқлик қувватини тежаш (рус.).
19.00 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Китоб дўстлари (рус.).
20.50 «Ая». СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова ҳақида ҳужжатли фильм.
21.30 МТ II

ШАНБА

26 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Жаҳон халқларининг ижоди».
10.15 «Спортлото»нинг 21-тиражи.
10.25 «Давлат чегараси». Телевизион бадиий фильм. 4-фильмнинг 2-сериясн.
11.45 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
12.15 «Тасвирий санъат». Шарҳ.
12.50 «Единғдами ўртоқ...»
13.50 «Инсон. Ер. Коинот».
14.35 «Ветераплар» Телефильм. «Улкан тақдир эгалари» туркумидан.
15.05 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.35 «Дунё воқеалари».
15.50 «Осмонимиз посбонлари», Ватан радиолокация хизматининг 50 йиллигига.
16.05 «Асиф, Васиф, Агасиф». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.
17.15 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
17.40 Мультфильмлар.
18.00 «9-студия».
19.00 «Ҳайвонот оламида».
20.05 Останкино концерт студиясида кулги кечаси.
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ I

18.00 Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун концерт.
19.00 «Давр—менинг тақдиримм». Ёшлар учун программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ягона оилада». ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган республика областлари ва ҚҚАССР телевизион фестивали. Кўрсатувда Ўзбекистон КП Андижон область комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов иштирок этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Марҳабо УзССР ва Ўзбекистон партияси ташкил топганнинг 60 йиллигига бағишланган бадиий ҳаваскор лективларининг фестивали. Экранда жон область. Кўрсатув гач— Кўрсатувлар тасмаси.

Тошкент будка-кондитер бинати коллектини ветеран М. М. Абдувасиевич

Яҳё Мирсаидович НОСИРОВнинг

вафот этганлиги муносиб билан чуқур таъзия лади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
25 МАЙ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-80-50.

Р— 09267. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10